2013 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (12.329)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Мамлакатимизда қулай бизнес муҳити, тадбиркорлар учун янада кенг шарт-шароит яратиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур йўналишда кўрилаётган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишга туширилаётган корхоналар сони ва уларнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортаётир.***



**Иқтисодиёт**

## ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Айни пайтда саноат тармоқларида юқори технологияга асосланган замонавий корхоналар ташкил этилаётгани тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Буни «Shafaq Tekstil» қўшма корхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ёшларга ҳунар ўргатиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тикувчилик корхонасида чақалоқлар учун турли бичимдаги кийимлар тикилмоқда. Бозор талабини чуқур ўрганган ҳолда тайёрланаётган бу либослар харидорларга ҳар жиҳатдан манзур бўлмоқда.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, яратилаётган имкониятлар бизга куч-ғайрат бағишламоқда, — дейди корхона бош ҳисобчиси Зуҳра Исломова. — Биз асосан чақалоқлар тўплами ва 2-3 ёшгача бўлган болажонлар учун кийим-кечаклар тикамиз. Уларнинг сифати, бола саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти, қулайлигига қаратилган эътибор харидорларимиз сафини орттирмоқда. Бугунги кунга келиб 100 хил моделдаги кийим-кечак табиий матолар асосида тикилади. Албатта, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш маҳсулотларимиз таннархини арзонлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Соғлом рақобат муҳитида турли йўналишдаги хизматларимиз кўламини янада ошириш орқали мижозларимиз ишончини қозонаётирмиз. Аслида ҳам, мулк эгасини топса ва унга молиявий кўмак берилса, ишбилармоннинг иши ривожланади. Бизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги инсонларга барча шароитлар яратилган.

Яратиш иштиёқи билан фаолият кўрсатаётган корхонанинг истиқболдаги режалари янада улкан. Жумладан, қўшма корхонада «Устоз шогирд» мактаби йўлга қўйилган ва ёшларни бу ишга янада кенгроқ жалб этишни ният қилганлар. Хусусан, ёшлар орасида тикувчиликка қизиқувчилар кўплигини инобатга олиб, уларнинг интилишига амалий кўникма билан кўмаклашилмоқда.

Айни пайтда корхонада Япониядан келтирилган замонавий нақш машинаси асосида кузги-қишки чақалоқлар тўпламлари ва болалар либосларининг бир нечта янги моделларини ишлаб чиқариш жорий этилган ҳамда бу маҳсулотлар Туркманистон, Қозоғистон, Россия давлатларига экспорт қилинмоқда. Юртимиз аҳолиси учун фирма дўконлари ҳам хизматда.

**Фаррух БАҲРОМОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Кейинги пайтларда мамлакатимизда коммунал соҳадаги ислоҳотларнинг изчиллик билан давом эттирилишига, турар жойларни замон талаби даражасида бошқариш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда.***

### КОММУНАЛ СОҲАСИ:

## ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Бу эса бир сўз билан айтганда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали нуфузини, ташкилий ва молиявий мустақиллигини ҳамда фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Тошкент шаҳри аҳолисига уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, ҳудудларда санитар ҳолатни янада яхшилаш, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқилишини таъминлаш ва уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари инфратузилмасини ривожлантириш, янги бошқарув компанияларини ташкил этиш ҳамда моддий-техник базасини кучайтириш мақсадида «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси ҳудудида кўргазмали семинар ўтказилди.

— Ушбу тадбир коммунал соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, ХУЖМШ фаолиятини ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди, — деди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ХУЖМШ уюшмаси бош муҳандиси Мирсолиҳ Соатов. — Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тошкент шаҳрида 9155 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларга 2327 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда. 2012 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра ушбу хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига 185 та бошқарув компаниялари томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатилаётир. Шундай бошқарув ва сервис компанияларининг сонини қўшимча 104 тага кўпайтириш белгиланган. Тобора ривожланиб бораётган пойтахтимизнинг ҳозирги ҳолати коммунал соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳудудларда санитар ҳолатни янада яхшилаш, янги бошқарув ва сервис компанияларини ташкил этиш ишларини жадаллаштиришни талаб этмоқда. Бу борада давом эттирилаётган ишлардан яна бири юқорида қайд этилган мақсадларга ихтисослаштирилган бошқарув компаниялари 36 та «Дамас», 13 та «MAN», 7 та «ISUZU» русумли махсус техникалар, шунингдек, 7 та трактор ва 12 та тиркамалар билан таъминланди.

Мазкур техникалар тижорат банкларининг имтиёзли, яъни йиллик 6 фоизли, 6 ой имтиёзли давр билан 3 йил муддатга ажратилаётган лизинг ва кредит маблағлари ҳисобига етказиб берилди. Бугунги кунда бошқарув компаниялари томонидан юқоридаги имтиёзли шартлар асосида «Дамас», «MAN», «ISUZU» русумли махсус техникалар, трактор ва тиркамалар сотиб олиш учун буюртмалар берилган.




Тадбирга республиканинг барча вилоятларидан 1,5 мингдан зиёд соҳа ходимлари ташриф буюрди. Ушбу кўргазма-семинар доирасида «Махсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ҳудудлардан маиший чиқиндиларни олиш тартиби ҳамда бу фаолият билан шуғулланиш истагини билдирган бошқарув компанияларига бўлган талаблар» тўғрисида, тижорат банкларининг «Уй-жой коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар» мавзуида маърузалар тингланди.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

***Тошкентдаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан фуқароларнинг навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга чақирувини уюшқоқлик билан ўтказиш ва Қуролли Кучларимиз сафларини жисмонан соғлом, юқори интеллектуал салоҳиятга эга ҳамда ҳар томонлама баркамол ёшлар билан тўлдириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ шу кунларда барча мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқармаларида ёшларни миллий армия сафларига навбатдаги чақирувига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Республика Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази (ДТМ), бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари журналистларга мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотография мактаб-студияси битирувчиларининг фотокўргазмаси очилди.

✓ **КЕЧА** Олий ҳарбий божхона институтида божхона бошқармаларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла гузарида ёшлар иштирокида «Огоҳлик оламни қутқаради» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижонда Ўзбекистон Фермерлар кенгаши томонидан Андижон ва Наманган вилоятлари туман фермерлар кенгашлари раислари ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассислари учун ўқув-семинари ташкил этилди.**

**● Сурхондарё вилояти Қизириқ туманида замонавий меъморий ечимга эга деҳқон бозори бунёд этилди. Бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, деҳқон бозорининг икки қаватли маъмурий биноси қурилиб, пастки қавати лаборатория учун ажратилган.**

**● Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар залида Оролбўйининг таниқли ва ёш рассомлари асарлари кўргазмаси очилди. Обод турмуш йилига бағишланган ушбу кўргазма «Устозлар ва шогирдлар» деб номланди. Унда кўплаб истеъдодли ёшларнинг она-Ватан, обод бўлаётган қишлоқлар жамоли, табиат манзаралари, халқимизнинг улкан бунёдкорлик ишлари акс этган асарлари намойиш этилмоқда.**

**● Наманган шаҳридаги «Шодиёна» мажмуасида 2012 йилда юқори натижаларни қўлга киритган спорт, маданият ва санъат соҳалари вакилларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

**● Олтинсой тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 89 та ташкилот, корхона ва муассасалардаги мавжуд бўш иш ўринларига ярмарка давомида 135 нафар фуқаро жалб этилди. Бундан ташқари, 56 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги бўйича кераkли маслаҳатлар берилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Испания маъмурлари мамлакатдаги ишсизлар сони 6 миллионга яқинлашиб қолганлигини маълум қилишди. Бу кейинги бир неча ўн йил давомидаги энг юқори кўрсаткичдир.**

**● Келиб чиқиши покистонлик бўлган Америка фуқароси Дэвид Хэдли Мумбай шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатидаги иштироки ва террорчилик гуруҳларига ёрдам берганлиги учун 35 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.**

**● Кеча Боливиянинг Санта-Круз департаментида йирик йўл транспорт ҳодисаси рўй берди. Иккита автобуснинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида жабрланганларнинг 15 нафарининг аҳволи жуда оғир.**

**● Япониялик олимлар мобиль телефонларни қувватлантира оладиган мато ихтиро қилдилар. Бунинг учун ундан тикилган либос кийиб юрилса кифоя. У ҳосил бўлган токни махсус қурилма орқали телефонга ўтказиб беради. Мутахассислар янги матони янада мукаммаллаштириш устида изланишларни давом эттиришаётгани учун ушбу маҳсулот ҳали савдога чиқарилгани йўқ.**

**● Жаҳондаги энг йирик чой экспорт қилувчи давлатлар Халқаро чой ишлаб чиқарувчилар ташкилотига асос солишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирда ушбу ғоя Шри-Ланка, Ҳиндистон, Кения, Индонезия, Малави ва Руанда давлатлари томонидан қўллаб- қувватланмоқда. Энг кўп чой истеъмол қилувчи давлатлар — Хитой ва Эроннинг ушбу ташкилотда кузатувчи сифатида иштирок этиши тахмин қилинмоқда.**

**● Греция пойтахти Афина шаҳрида 9 кундан буён транспорт соҳаси ходимлари маошларининг қисқартирилишига қарши иш ташлашни давом эттирмоқдалар.**

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

# ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса жойларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш масканлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини, фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.***

Тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этишга интилиши кучаймоқда. Натижада импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган юртдошларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар юқори сифати билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида экспортнинг 51 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Шунингдек, Фарғона водийси, Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Бухоро вилоятларида ҳам бу соҳада самарали ишлар олиб борилаётир.

Тадбиркорларнинг экспорт имкониятлари билан яқиндан танишиш, уларга ташқи бозорнинг талаблари ҳақида маълумотлар бериш, маҳсулотларнинг сифати ва қадоқланиш тартиби ҳамда бошқа янгиликлардан хабардор этиш мақсадида «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда жойларда икки ҳафта давомида шаҳардаги тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди.

Пойтахтимизда жойлашган корхона, ташкилотлар ҳамда якка тадбиркорлар иштирокида ўтган ушбу тадбирларда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг 25 августда имзоланган «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йилнинг 26 мартида қабул қилинган «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

— Кейинги йилларда тадбиркорларни ортиқча оворагарчиликдан халос қилиш ва маҳсулотларини экспортга чиқариш борасида қатор қулайликлар ва солиқ имтиёзлари берилмоқда, — дейди «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг маркетинг, экспорт ва импорт операциялари бўлим бошлиғи Баҳодир Раҳматуллаев. – Хусусан, тегишли ҳужжатлар асосида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес вакиллари фаолиятида 70 га яқин рухсат этувчи ҳужжатлар қисқарди. Бу экспорт фаолиятини бошлаш ёки кенгайтириш ниятидаги тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратади. Биз ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига товарларини жаҳон бозорига чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишда кўмаклашамиз. Ташқи бозорда маҳсулотга бўлган талаб йил сайин ўзгармоқда. Ҳозирда ташқи дизайни чиройли, ихчам, ишлатишга қулай қилиб қадоқланган маҳсулотлар бозордан кенг ўрин олмоқда.

Ҳа, товарнинг нафақат сифати, балки унинг чиройли кўриниши, дид билан харидорларга етказиб бериш ҳам экспортда муҳим ҳисобланади. Ана шундай омиллар алоҳида тушунтирилаётган давра суҳбатлари жараёнида ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспортга чиқариш истагидаги тадбиркорлар билан шартномалар ҳам имзоланмоқда. Масалан, 20 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги йўналишида кичик бизнес субъектлари, 30 дан ортиқ енгил саноат ва қурилиш соҳасида фаолият юритаётган фирма ва корхоналар билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Тошкент шаҳри туманларида ўтказилган тарғибот-тушунтириш ишлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилувчи компаниялар, уни сертификатлаш билан шуғулланувчи ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Зиёда ВОХИДОВА**

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Н.Муллабаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган босқичма-босқич чора-тадбирлар самарасида Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама муносиб ўғлонлар билан тўлдириш, мамлакатимизда ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, профессионал миллий армияни шакллантириш имкони яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмати ўн икки ой қилиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилда бир марта амалга оширилади.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш тизими яратилди. Ушбу тизимнинг махсус тадбирларига чақирилувчининг билим (ДТМ мутахассислари томонидан тест синовлари ўтказиш орқали), интеллектуал (мудофаа ишлари бошқармаларининг чақирув бўлимлари томонидан), шахсий мослашувчанлик қобилияти (мудофаа ишлари бошқармаларининг чақирув бўлимлари томонидан психологик тест натижаларига кўра), жисмоний тайёргарлик (мудофаа ишлари бошқармаларининг чақирув бўлимлари томонидан таълим муассасалари вакиллари билан биргаликда) даражасини аниқлаш киради. Танлов ҳарбий хизматга пухта тайёргарлик кўрган, умумтаълим фанлари бўйича юқори билимга эга, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол йигитларни саралаб олиш имконини беради.

Чақирув комиссиялари фаолияти ошкоралиги ва унинг иши устидан самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида улар таркибига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010-2012 йилларда чақирув ва йиғин пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш дастури тўғрисидаги қарори йиғин ва чақирув пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш, уларни зарур моддий-техник, тиббий жиҳозлар, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашга хизмат қилди.

Матбуот анжуманида ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирувини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилинди. Йигитларни тиббий текширув, жисмоний ва интеллектуал тайёргарлик текшируви натижаларига кўра саралаб олиш мезонлари, саралаш комиссиялари аъзоларининг касбий даражаси билан боғлиқ масалалар, номзодларни саралаб олишнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш мақсадида кенг жамоатчиликнинг ушбу жараёндаги фаол иштирокини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИЛМОҚДА

***Бундан салкам 25 йил аввал сув муаммолари академик институти ташкил этилган эди. Ушбу муассасанинг илмий фаолияти жараёнида кўпгина муаммолар ўз ечимини топмоқда.***

Қуруқлик гидрологияси ва гидрогеологиясини, сув захиралари сифати ва миқдорининг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш борасида қатор натижаларга эришилди. Жумладан, Марказий Осиёнинг сув ва туз режимини интеграл бошқаришнинг илмий-методологик асослари ишлаб чиқилди. Институт ахборот марказининг маълумотига кўра, сув заҳираларини муҳофаза қилишнинг илмий асослари сифатида Ўзбекистон дарёлари учун статистика ва картография усуллари ёрдамида булғовчи градиентларнинг макон ва замондаги ўзгариш қонунияти ҳам ишлаб чиқилди. Ўлкамизда ер сатҳи сувларининг ифлосланиш харитасидан кенг фойдаланилмоқда.

Гидрогеология ва гидротехника лабораторияси томонидан эса дарё ва иншоотлар гидравликаси, сув эрозияси муаммосининг илмий асослари ҳал қилинди. Оқава сувларни тозалаш технологиясининг илмий асослари яратилди.

Шунингдек, сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг экологик талаблари, сув ҳолатини баҳолаш омиллари ишлаб чиқилди.

Сув заҳираларидан комплекс равишда фойдаланишнинг илмий асослари ҳам ўз самарасини берди. Гидродинамика жараёнларини математик ва сонли моделлаштириш ёрдамида амалга оширилаётган илмий кузатишлар натижасида катта иқтисодий самарадорликка эришилмоқда.

## КОММУНАЛ СОҲАСИ:

# ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Ҳозирги кунда коммунал соҳада олиб борилаётган самарали ислоҳотлар натижасида банклар томонидан кредит ва лизинглар асосида иш фаолиятимизда керакли бўладиган «Дамас» автомашинаси, асбоб-ускуналарни олиш имконига эга бўлдик, — дейди Олмазор туманидаги «Обод аъло коммунал» бошқарув компанияси раиси Сайёра Мирзаева. — Бугунги кўргазма орқали бошқа компаниялар билан фикр алмашиш, келгусида компаниямизга керакли транспортларни бошқариш ва харид қилиш ҳақидаги маълумотларга эга бўлдик. Биринчи навбатда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида ташкил этилган бошқарув компаниямиз фаолиятини бошлаганига 2 ой бўлди, 80 та уйга хизмат кўрсатиб келамиз. Фаолиятимизнинг асосида аҳоли манфаатлари ётади, асосийси уларга сифатли хизмат кўрсатиш ниятидамиз.

Мазкур кўргазмали семинарда махсус жиҳозланган «Дамас» автомашиналари, 8 турдаги «MAN», 5 турдаги «ISUZU» русумли махсус техникалар, трактор ва тиркамаларнинг ҳар хил мақсадларга ихтисослаштирилган турлари, шаҳримиздаги барча коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг махсус техникалари нафақат намойиш этилди, балки тақдимот материаллари билан иштирок этди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Ислом Исмоилов олган сурат**



## Қарор ва ижро

# ЭЛЕКТРОН РАСМИЙЛАШТИРИШ: ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган мақсад ҳамда вазифаларга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

Тадбирда мамлакатимизда божхона назорати ва расмийлаштирувини янада такомиллаштириш ва шаффофлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун имтиёзлар ва қулайликлар яратиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинаётганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига ўз ихтиёрига кўра, 2013 йил январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштиришни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш белгиланди. Бу ўз навбатида юртимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур Фармон доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Унга асосан 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби амалиётга жорий қилинди.

Янги тартибларга биноан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари интернетда Давлат божхона қўмитаси томонидан ўтган йил охирида синовлардан ўтказилган «Электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими (ЭДААТ) орқали божхона расмийлаштируви жараёнларини амалга оширадилар.

Товарларни божхона кўригидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган божхона ходими уч соат давомида уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақидаги маълумотлар ёзилган электрон хабарни божхона расмийлаштирувини амалга оширувчи мутахассисга юборади. Электрон декларацияда кўрсатилган маълумотлар божхона кўриги натижаларига мос келганида расмийлаштириш жараёнлари ўрнатилган тартибда якунига етказилади. Агарда божхона кўриги натижасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса, божхона органи қонунчиликда кўзда тутилган тартибда тегишли чораларни кўради.

Бир сўз билан айтганда, товарларни электрон шаклда расмийлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчисига ўз идорасидан чиқмасдан туриб, божхона расмийлаштируви жараёнларини масофадан амалга ошириш имконини беради. Бу эса албатта тадбиркорнинг вақтини тежаб, молиявий харажатларнинг ҳам қисқаришига олиб келади.

Семинар-тренинг доирасида соҳа мутахассислари томонидан иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб берилди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## Юксак маънавият — енгилмас куч

# ЯХШИ ҚЎШИҚ — КЎНГИЛ ОЗИҒИ

***Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида эстрада санъатининг ёш авлод маънавиятига таъсирини алоҳида таъкидлаган: «Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас».***

Пойтахтимизда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари М.Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ёшлар тарбиясини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида янги мусиқа масканлари барпо этилиб, реконструкция қилинмоқда ва замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланмоқда. Ёш истеъдод эгаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, жонли ижро аудиториясини кенгайтиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳа ва фестиваллар ўтказилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этаётган миллий эстрада санъатини миллий қадриятларимиз асосида шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса, аввало, санъат олами вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Айрим ёш ижрочилар томонидан жамоатчиликка тақдим этилаётган маъносиз ва ғализ жумлалар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки атай бузиб айтиш, саҳна ҳаракатлари ва либосларида «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Савиясиз қўшиқлар, маъносиз матнлар ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган видеоклиплар учрамоқда.

Давра суҳбатида санъат ва миллий маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган бу каби ҳолатлар асосан ижрочилардаги фикрсизлик ва профессионал маҳоратнинг етишмаслиги туфайли пайдо бўлаётгани таъкидланди. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун барча ижодий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш даркор. Зеро, савиясиз қўшиқларга қарши фақат бадиий жиҳатдан юксак талаблар асосида яратилган мусиқий асарлар салмоғини ошириш билангина курашиш мумкин.

Тадбирда халқимиз истиқлол йилларида эришаётган улкан ютуқлар, миллий қадриятларимиз ва замон талабларига мос, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган бадиий жиҳатдан етук куй-қўшиқлар яратиш ва уларни тарғиб этиш борасида фикрлашилди.

**У.ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири**

# АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАСТУР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

***Республикамизда Почта алоқаси соҳасини замонавийлаштиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Бу эса почта соҳасига илғор иш услубларини кенг жорий этиш учун замин яратмоқда.***

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акционерлик жамияти томонидан «Обуна» автоматлаштирилган дастури ҳам яратилди. Жамият бош директорининг биринчи ўринбосари Хатира Тожибоеванинг таъкидлашича, ушбу дастур «Тошкент почтамти» филиалида синовдан ўтказилди ҳамда жорий этилди.

Шунингдек, обунани интернет орқали ҳам расмийлаштириш бўйича дастур тайёрланмоқда.

Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, жамият тасарруфида 3190 та компьютер ва сервер техникаси бўлиб, автоматлаштирилган хизмат кўрсатувчи иш ўринлари сони 1298 тани ташкил қилади.

Жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғига 1960 та компьютерлашган иш ўринлари боғланган.

# ЭКРАНЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ТЕХНИКАЛАР

***Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг моддий-техника негизи мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган 2012 йилда бу даргоҳ тиббиёт амалиётида катталаштирилган телевизион кўринишдаги эндоскопик ретроград холангнопанкретография текширув йўлга қўйилди.***

Эндиликда ҳар бир тиббий текширув экранда кўриниб туради. Шу йўл орқали хулосанинг аниқ ва сифатли бўлиши билан бирга вақт ҳам тежалади.

Беморни ётган жойида рентген текширувидан ўтказиш имкони туғилди. Шифохонада замонавий компьютер томограф, рақамли универсал стационар рентген ҳамда кўчма операцион рентген диагностикаси аппаратларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Юқори технологияларга эга бўлган тиббий техникалар ҳам қўл келмоқда. Жаҳон андозаларига мос бундай тиббий жиҳозларни катта тажрибага эга бўлган шифокорлар бошқаришмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

